

# “Тасдиқлайман”



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**



## Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 «Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси қаршли объектларда бажариладиган қуриш-монтаж ишларида Автогрейдер хизматини курсатиш.

1.2 Танловнинг юқори қиймати ККС билан бирга 300 000 000 (Уч юз миллион) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди.

1.3.Махсулот бўйича техник топширик танлов ҳужжатларинг техник қисмида илова қилинган.

1.4. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан «Бажарувчи» билан шартнома тузилади.

1.5. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича

1.6 Ишларни бошлаш муддати: Аванс маблағлари ўтказилган кундан бошланади.

### 2.Танлов ташкилотчилари

2.1 Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

**Буюртмачи манзили: Қарши шаҳар Шайхали қўрғонча**

**Елек/адрес: [ajumayev056@gmail.com](mailto:ajumayev056@gmail.com)**

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

### 3.Танлов Иштирокчилари

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар шу мазмунда хизмат курсатишга ихтисослашган камида 2 йил тажрибага эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқоролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликда биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4 Кайта ташкил этилиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда



ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжуд булмаганларга рухсат этилади.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz.) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этилишлари лозим.

4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати ( брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади):

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериш мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларининг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобган бўлади;

- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш**

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааллуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши мумкин.

#### **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7. Бошқа шартлар**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор



кабул килишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

И.Боев

А.Жумаев

М.Музаффаров

М.Тухтамишов

М.Кодиров

